

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМий
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.Ped.72.04 РАҚАМЛИ
ИЛМий КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ОСТОНОВА ГУЛШОД РАЗЗОҚОВНА

**УМУМий ЎРТА ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ЎҚУВЧИЛАРНИНГ
ТАСВИРИЙ САНЪАТ ҲАҚИДАГИ ТАСАВВУРЛАРИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ**

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

БУХОРО – 2022

УДК: 37.013; 347.782; 37.036.5

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
pedagogical sciences**

Остонова Гулшод Раззоковна

Умумий ўрта таълим тизимида ўқувчиларнинг тасвирий санъат
ҳақидаги тасаввурларини ривожланиши..... 3

Остонова Гулшод Раззоковна

Развитие представлений об изобразительном искусстве у учащихся в
системе общего среднего образования..... 19

Ostonova Gulshoda Razzokovna

The development of representations of fine art in students in the system of
secondary education 35

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 38

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.Ped.72.04 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ОСТОНОВА ГУЛШОД РАЗЗОҚОВНА

**УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ЎҚУВЧИЛАРНИНГ
ТАСВИРИЙ САНЪАТ ҲАҚИДАГИ ТАСАВВУРЛАРИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ**

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

БУХОРО – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.1.PhD/Ped307 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.karsu.uz) ва “ZiyoNET” ахборот-таълим портали (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Шоумаров Ғайрат Бахромович
психология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Рўзиев Эркин Искандарович
педагогика фанлари доктори, профессор

Камолов Ифтихор Бахтиёрович
педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

Етакчи ташкилот:

Термиз давлат университети

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат университети ҳузуридаги PhD. 03/30.12.2019.Ped.72.04 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил “___” _____куни соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200117, Бухоро шаҳри, М.Иқбол кўчаси, 11-уй, Тел.: (+99865) 221-29-14; факс: (+99865) 221-27-07; e-mail: bukso-info@edu.uz)

Диссертация билан Бухоро давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 200117, Бухоро шаҳри, М.Иқбол кўчаси, 11-уй, Тел.: (+99865) 221-29-14; факс: (+99865) 221-27-07

Диссертация автореферати 2021 йил “___” _____куни тарқатилди.
(2022 йил “___” _____даги ___ - рақамли реестр баённомаси).

С.Қ.Қахҳоров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, п.ф.д., профессор

А.Р.Жўраев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, п.ф.ф.д (PhD)., доцент

Ҳ.О.Жўраев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, п.ф.д (DSc)., доцент

КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда глобаллашув жараёнларининг кучайиши, айрим мамлакатлар замирида янги давлатларнинг юзага келиши ва уларда янги тузумларнинг шаклланиши, ўз навбатида, замонавий санъатнинг барча соҳаларига самарали таъсир этиб, ижодий изланишлар доирасини кенгайтириб, бадиий тафаккур ривожини янада жадаллаштириш, тарихий, маданий ва маънавий-ахлоқий қадриятларнинг кенг қатламларини қайта идрок этиш ғоялари, янгиланиш тамойиллари меъморлик, тасвирий ва амалий санъат соҳаларида тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Дунё педагогикасида шахснинг умуммаданий хусусиятлари, унинг ақлий, ахлоқий, маънавий, эстетик ривожини билан белгиланиши, умуммаданий савияси юқори бўлган шахсларда жиноятчилик, ҳуқуқбузарлик аломатларининг учрамаслиги, бу борада инсон шахсини шакллантиришда тасвирий санъатнинг алоҳида ўрин тутиши, ёшларнинг маълум қисмида маънавий, маданий қадриятларга эътибор сусайиши, иқтисодий, молиявий таъминланганликка ружу қўйилиши, санъат музейларига ёшлар ва аҳоли томонидан ташриф буюрилишининг кескин пасайиши олдини олишга оид илмий тадқиқот ишларига ҳам алоҳида эътибор берилмоқда.

Мамлакатимизда ёшларга мактаб ёшиданоқ ижодий тафаккур, хаёл, фантазия, ностандарт фикрлашни, янгиликларни кашф қилишни ўргатиш, бунда тасвирий санъатнинг бекиёс имкоиятларидан фойдаланишга долзарб вазифа сифатида қаралмоқда. “Умумий ўрта таълим тизимида илғор халқаро тажриба ва жамиятнинг замонавий талабларига мувофиқ сифатли таълим олиш имкониятларини яратиш, ўқув-тарбия жараёнида замонавий педагогик технологияларни қўллаш, таълим хизматлари бозорида рақобатни ривожлантириш орқали умумий ўрта таълимни янги босқичга олиб чиқиш зарур”¹. Шу маънода Республикаимизда умумий ўрта таълим тизими тасвирий санъат дарсларида ўқувчида нафақат расм чизиш малакаларини шакллантиришга урғу бериш, балки уларни тасвирий санъат асарларидан эстетик завқ олиш, асарда муаллиф ғояси, услуби, маҳорати, фикрлари, устунлик ва заифлик томонларини кўрсата олиш даражасига эришишини таъминлаш юзасидан умумий ўрта таълим тизимида ўқувчиларнинг тасвирий санъат ҳақидаги тасаввурларини ривожлантиришга доир тадқиқотларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли, 2019 йил 29 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5712 сонли фармонлари, 2019 йил 26 ноябрдаги ПҚ-3296-сонли “Замонавий мактаб”ларни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, 2020 йил

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 26 ноябрдаги ПҚ-3296-сонли “Замонавий мактаб”ларни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори. <http://uza.uz/posts/3296>

21 апрелдаги “Тасвирий ва амалий санъат соҳаси самарадорлигини янада оширишга доир чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4688-сонли Фармойиши, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 15 февралдаги “2016-2030 йилларга мўлжалланган “Барқарор ривожланиш мақсадлари”ни Ўзбекистон Республикасида амалга ошириш” тўғрисидаги Ф-111-сонли, 2017 йил 6 апрелдаги “Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълимининг Давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 187-сонли қарорлари ҳамда соҳага оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни ривожлантириш” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Республикамиз олимларидан Б.Р.Адизов, Б.Азимов, Х.Алимов, Р.Джураев, С.Булатов, Б.Ғ.Жаббаров, Х.Ибрагимов, О.Мусурманова, Ш.Ш.Олимов, Б.Орипов, Д.Собирова, А.Сулаймонов, А.Турдалиев, О.Усманов, Б.Қўчқоров, О.Худоярова, Р.Ҳасанов, Н.Эгамбердиева, Х.Эгамов, Н.Шодиевларнинг илмий ишларида шахс маънавияти ва санъатнинг узвий боғлиқлиги, шахс тафаккурини шакллантиришда тасвирий санъат аҳамияти борасида илмий-тадқиқот ишларини олиб боришган.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДХ) мамлакатлари олимларидан Л.С.Выготский, Б.М.Теплов, М.М.Бахти, П.Я.Гальперин, С.П.Ломов, Д.Н.Кардовский, В.Н.Шацкая, Б.С.Мейлак, Н.С.Боголюбов, В.С.Кузин, В.Б.Розенвассер, Б.М.Неменский, Т.В.Шпикалова, Е.А.Ермолинская, Б.П.Юсов, А.Н.Леонтьев, А.В.Запорожец, П.М.Якобсон, А.С.Мигунов, Ю.Н.Протополов, Г.А.Петрова, В.П.Зинченко, З.Н.Новлянская, В.К.Лебедев, Н.Б.Берхин, Д.Б.Богоявленская, Н.Н.Фомина, С.А.Ерков, М.А.Козловская, Б.Т.Карсыбаевларнинг илмий ишларида тасвирий санъатнинг ўқувчиларда тасаввурини ривожлантиришда педагогик, психологик жиҳатлари ўрганилган.

Хориж олимлар Dj.Kopchik, R.Gebotis, G.Berg, R.S.Root-Bernstein Sh.T.Doyle, S.Knotts, J.Ackroyd ва K.Munnalall кабилар умумий ўрта таълим муассасаларида тасвирий санъатнинг аҳамияти санъатшуносликнинг бошқа фанлар билан интеграцияси ўрганилган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Бухоро давлат университети иш режаларининг ОТ-Ф1-“Ёшларда миллий ғоя ва мафкуравий иммунитетни шакллантиришнинг психологик механизмлари” фундаментал тадқиқот лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади умумий ўрта таълим тизимида ўқувчиларнинг тасвирий санъат ҳақидаги идрокий ва тасаввурларини ривожлантириш йўлларини такомиллаштиришдан ҳамда мазкур жараён самарадорлигини оширишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

умумий ўрта таълим мактаби ўқувчиларининг тасвирий санъат асарларини идрок ва тасаввур қилиш саводхонлигини ривожлантириш муаммоларини аниқлаш;

санъат асарларига оид ўқувчиларнинг тасаввурларини ривожлантиришда ўқитувчиларнинг педагогик фаолиятдаги амалий жараёнларни тасвирий санъатнинг қонуниятлари орқали ўқитишни мазмунан такомиллаштириш;

тасвирий санъатнинг турлари, жанрлари ва ифодавий воситалари асосида ўқувчиларни тасвирлаш кўникмалари, ижодкорлик малакалари ҳамда тасвирий санъат ҳақидаги тасаввурларини ривожлантириш моделини такомиллаштириш;

ўқувчиларнинг тасвирий санъат ҳақидаги психологик тасаввурларини шакллантириш ва эстетик маданиятини ривожлантиришга оид тавсиялар ишлаб чиқиш;

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистон мактабларида тасвирий санъат фанини ўқитиш ҳолати, муаммолари, уларнинг сабаб ва омили педагогик жараёни ташкил этилиб, тажриба-синов ишларига Сурхондарё Бухоро ва Навоий вилоятларидаги умумий ўрта таълим мактаб ўқувчилари ҳамда ҳудудий малака ошириш тингловчилари, жами 635 нафар респондент сифатида иштирок этдилар.

Тадқиқотнинг предмети мактаб ўқувчиларда тасвирий санъат асарларини идрок этиш асосида уларнинг тасаввурларини ривожлантириш йўллари.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда суҳбат, кузатиш, сўровнома, эксперимент, математик статистика, ўқув, ижод намуналарини ўрганиш методларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

умумий ўрта таълим мактаби ўқувчиларининг тасвирий санъат асарлари гўзаллигини идрок этиш ва борлиқни тасаввур қилиш жараёнидаги бадиий-эстетик тафаккур ва эмоционал сезгирлик саводхонлигини ривожлантиришнинг (компьютер графикаси ва анимация, фотография, синтетик санъат)га оид педагогик-психологик муаммолари аниқлаштирилган;

ўқувчиларнинг санъат асарлари билан алоқа қилиш эҳтиёжини семантик, эстетик ва бадиий маданият анъаналарига фаол муносабатни ривожлантиришда ўқитувчиларнинг педагогик фаолиятдаги ижтимоий-эмоционал амалий жараёнларни тасвирий санъатнинг (компановка, перспектива, композиция, ритм, фактура, ёруғ ва соя) қонуниятлари орқали ўқитиш мазмунан такомиллаштирилган;

тасвирий санъатнинг рангтасвир, графика ҳайкалтарошлик турлари ва портрет, натурморт, манзара жанрлари ҳамда ранг суртмаси, чизик, фактура ифодавий воситалари билан ўқувчиларни таништириш ва уларда тасвирлаш кўникмалари, ижодкорлик малакаларини таркиб топтириш орқали тасвирий санъат ҳақидаги тасаввурларини ривожлантиришнинг педагогик жараён модели (графика, рангтасвир, ҳайкалтарошлик, театр ва кино) соҳасидаги бадиий тажрибага асосан такомиллаштирилган;

педагогик тажриба-синов натижалари бўйича, ўқувчиларнинг тасвирий санъат ҳақидаги тасаввурларини хотира, диққат, ҳаракатлар кординацияси каби психологик фаолиятни шакллантириш билан бирга бадиий эстетик дид маданиятини ривожлантиришда аудио-видео воситалар ва ART технологияларга асосланган (амалий безак ва миллий ҳунармандчилик, миниатура, архитектура ва дизайн) бўйича илмий-педагогик тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон мактабларида тасвирий санъат фанини ўқитиш ҳолати илмий жиҳатдан очиб берилди;

ўқитувчиларнинг тасвирий санъат каби катта имкониятдан ўқувчи шахсини шакллантиришда талаб даражасида фойдаланилмаётганлиги илмий асослаб берилди;

тасвирий санъат фани ўқитувчиларининг касбий малакавий савиясида катта муаммолар мавжудлиги ва кадр тайёрлаш масаласи замон талабидан ортида қолаётганлиги, илм-фан ушбу масалага етарли эътибор бермаётганлиги асосланди;

мазкур муаммо ечими сифатида кадрлар тайёрлаш, соҳага тегишли методик ва ўқув адабиётларини яратиш ҳамда уларнинг амалий тадбиқини амалга оширишдаги мавжуд муаммоларни бартараф этиш йўллари ишлаб чиқилди.

Тадқиқот натижаларининг ишончлиги мавзу бўйича таҳлил қилинган дарсликлар, қўлланилган методлар, ўрганилган ўқувчилар сони, олинган маълумотлар, натижаларнинг математик-статистик усулларда таҳлил этилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти педагогикада умумий ўрта таълим мактаб ўқувчиларининг тасвирий санъат асарларини англаш борасидаги идрок ва тасаввурларини ривожлантириш йўллари биринчи марта монографик тадқиқ этилганлиги; тасвирий санъат асарларининг ўқувчилар томонидан идрок ва тасаввур этилишидаги бир қатор муаммолар аниқланиб, уларни бартараф этиш бўйича методик тавсиялар ишлаб чиқилганиги, бу борада самарали йўллар тақдим этилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишдаги назарий умумлашма таҳлиллардан малака талаблари (давлат таълим стандарти), ўқув дастурлари ҳамда ўқув-усулий адабиётларни такомиллаштиришда, шунингдек, ёш иқтидорли рассомларни тарбиялашда, такрорланмас санъат асарларини

яратишда, аҳолининг умуммаданий савиясини оширишда, эстетик тарбияда, тарбиянинг ўзга таркибий қисмларида самарали фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тадқиқот натижаларидан “Умумий ўрта таълим тизимида ўқувчиларнинг тасвирий санъат ҳақидаги тасаввурларини ривожлантириш муаммоси” мавзусидаги диссертация ишида эришилган илмий натижалар асосида:

ўқувчиларнинг тасвирий санъат ҳақидаги идрок ва тасаввурларини ривожлантиришга оид муаллифлик ғояларидан 2017-2020 йилларида бажарилган ОТ-Ф1-002 рақамли “Ёшларда миллий ғоя ва мафкуравий иммунитетни шакллантиришнинг психологик механизмлари” мавзусидаги фундаментал лойиҳада фойдаланилган сингдирилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 2 октябрдаги 89-03-3640-сон маълумотномаси). Натижада, ўқувчи-ёшларда миллий ғоя ва мафкуравий иммунитетни шакллантиришнинг психологик механизмлари тасвирий санъат ва уни англаш асосида такомиллаштирилган;

ўқувчиларнинг тасвирий санъат асарларида идрок ва тасаввурларини ривожлантиришнинг педагогик-психологик ҳамда ижтимоий-иқтисодий хусусиятларини аниқлаштиришга доир таклифлардан “Умумий ўрта таълимнинг умумтаълим фанлари бўйича компетенциявий ёндашувга асосланган Давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш” концепцияси ҳамда умумий ўрта таълимнинг Давлат таълим стандарти ва бошланғич таълимнинг малака талабларини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 2 октябрдаги 89-03-3640-сон маълумотномаси). Натижалар умумий ўрта таълим ўқувчиларида тасвирий санъат ҳақидаги идрок ва тасаввурларининг самарадорлигини оширишга хизмат қилган;

илмий тадқиқот иши натижалари, илмий-назарий ва илмий-методик тавсияларидан Бухоро давлат университетининг “Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси” кафедраси ҳисобидаги “Тасвирий фаолият психологияси” фанини ўқитишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 2 октябрдаги 89-03-3640-сон маълумотномаси). Натижада, фан ўқитувчиларининг тасвирий санъат дарсларида ўқув жараёнининг сифати ва самарадорлигини ошишига эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 3 та республика ва 2 та халқаро илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 22 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, шундан, 5 таси республика ва 2 та хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб, ҳажми 155 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги асосланган, диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи ва муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён этилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги, илмий ва амалий, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши борасидаги маълумотлар киритилган.

Диссертациянинг **“Тасвирий санъат асарлари идрок ва тасаввур қилинишини ривожлантириш муаммосининг назарий педагогик асослари”** деб номланган биринчи бобида мактаб ўқувчиларида тасвирий санъат асарлари идрок ва тасаввур қилинишини ривожлантириш муаммосининг хорижий ҳамда мамлакатимиз олимлар томонидан ўрганилганлик ҳолати таҳлил қилинган.

Ўзбекистон халқи, аниқроғи Республика ҳудудида яшовчи маҳаллий халқ ўзининг қадимий тарихий-маданий мероси, жаҳонга машҳур алломалари (Ибн Сино, Имом Бухорий, Мирзо Улуғбек, Амир Темур, Алишер Навоий, ал Хоразмий, Нақшбандий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, ал Беруний, Аҳмад Яссавий, Камолиддин Беҳзод ва б.) билан ҳақли равишда ғурурланса арзийди. Ҳар бир соҳада дунёга танилган, яшаб ижод этган буюк шахслари қаторида Ўзбекистоннинг тасвирий санъат тарихи ҳам бениҳоят бой. Бунга мисол сифатида Варахша, Афросиёб, Тупроққалъа, Кўйқирилган қалъа, Айритом, Далварзинтепа ва бошқаларни келтиришимиз мумкин. Археологик қазилмаларнинг гувоҳлигича, юқоридаги ҳудудларнинг барчасида қадимги замонларда юксак маданият, шу жумладан, тасвирий санъат ривож топган.

Диссертацияда Ўзбекистонда тасвирий санъат соҳасида бир қатор дарслик, ўқув ҳамда методик қўлланмалари мактаб таълимида фойдаланилаётган, давлат таълим стандартларининг тузувчиларидан бири Р.Ҳасановнинг, қатор илмий ва илмий-методик ишлар муаллифи А.Сулаймонов, А.Турдалиев, олий малакали илмий-педагогик кадрлар ҳамда мактаб ўқувчиларини тайёрлашда, ёшларда тасвирий санъатга меҳр уйғотишда, уларни эстетик тарбиясида С.Булатовнинг илмий-методик, илмий-оммабоп асарлари, илмий-педагогик фаолиятининг таҳлиллари келтирилган.

Тасвирий санъат ижодкор шахсни, аниқроғи шахсда ижодкорлик хислатларини шакллантиришда катта роль ўйнаши, тасвирий санъат орқали шахс маданий оламига кириб бориши, ундан катта маънавий озуқа олиши, маънавий бойликлардан баҳраманд бўлиши туфайли маданиятли, маънавиятли, ижодкор шахс сифатида шаклланиши ҳақида бир қатор файласуф, педагог, психолог олимлар ўз асарларида айтиб ўтганлар (Г.Гегель, Н.А.Бердяев, Ж.Ж.Руссо, Б.Г.Ананьев, Л.С.Виготский, А.Н.Леонтьев,

С.Л.Рубинштейн, Дж.Гилфорд, А.Маслоу, К.Роджерс, В.А.Сухомлинский ва бошқалар).

Кўпгина тадқиқотларда кўрсатилишича, шахсни шакллантиришда, унинг маънавий дунёсини бойитишда, қизиқиш-хаваслари, билиш эҳтиёжлари шу жумладан, эстетик эҳтиёжларини қондиришда санъатнинг бир тури билан чегараланиб қолмасдан, барча турлари билан комплекс равишда таъсир қилиш яхши натижа бериши ҳақида ўз вақтида К.Д.Ушинский, Я.А.Коменский, В.Т.Белинский, Л.Н.Толстой, В.А.Сухомлинский ва бошқалар ўз фикрларини билдиришган.

Юқоридаги тадқиқотларни таҳлил қилинганларидан келиб чиқиб ҳар бир предметнинг асосини илм-фан ташкил этиши, мактабда ўқув предметлари (фанлар)нинг ўқитилишини такомиллаштириш уларнинг илмий асосда ишлаб чиқилганлигига боғлиги, диссертацион тадқиқот ишларини етакчи кўрсаткичлардан бири деб ҳисобланади.

Диссертациянинг **“Умумий ўрта таълим мактаб ўқувчиларида тасвирий санъат асарларининг идрок ва тасаввур этилишини ривожлантиришдаги педагогик тизими”** деб номланган иккинчи бобида тасвирий санъат асарларининг идрок этилиши ва тасаввур ривожлантиришда ўқувчилардаги психологик-педагогик муаммолар, педагогик муаммоларини бартараф этишда метод, восита, технологиялари ҳамда ривожлантириш йўллари баён этилган.

Тасвирий санъат асарларини бадиий идрок қилиш шахсдан бевосита асарлардаги тимсолларда ифодаланган хулқ-атвор мотивлари, уларнинг ҳаракат хусусиятлари, асарда акс эттирилган умумий мазмун, предметлар, ранглар ва юқоридагиларни умумлаштирган ҳолда ҳиссий-эмоционал идрок қобилияти мавжудлигини талаб қилади.

Бухоро, Навоий ва Сурхондарё вилоятларининг малака ошириш тингловчиларидан тасвирий санъат ўқув предметининг мақсад ва вазифалари ёзиб бериш сўралганида жавоблар уч гуруҳга ажратилди (тўлиқ жавоблар, нотўлиқ жавоблар, нотўғри ва қониқарсиз жавоблар). Уларни уч гуруҳ “яхши”, “ўрта”, “қониқарсиз” деб белгилаш ҳам мумкин (1-жадвалга қаранг).

1-жадвал

Тасвирий санъат ўқув предмети(фани)нинг мақсад ва вазифаларини ўқитувчилар билиши даражаси (% ҳисобида)

т/р	Худуд ўқитувчилари	Тўлиқ жавоб берганлар %	Нотўлиқ жавоб берганлар %	Нотўғри (қониқарсиз) жавоб берганлар	Умумий сони
1	Бухоро вилояти худудий марказ тингловчилари	24	56	20	25
2	Навоий вилояти худудий марказ тингловчилари	28	48	24	25
3	Сурхондарё	16	52	32	25

	вилояти ҳудудий марказ тингловчилари				
	Жами	25	52	23	75

Тасвирий санъатдан дарс берувчи ўқитувчиларнинг ўз фани мақсад ва вазифаларини билиш даражаси таҳлил қилинганда, сўровномада қатнашган 75 нафар ўқитувчидан $\frac{1}{4}$ қисми, яъни 25 % мақсад ва вазифаларини тўлиқ билиши маълум бўлди. Деярли шунча респондент (23 %) ўз мақсад ва вазифаларини билмайди, тўғри тасаввур қилмайди ёки билса ҳам маълум жиҳатдан қоғозда ўз фикрини тўғри ифода қилай олмайди.

Шу ўринда, тасвирий санъатда муҳим ўрин тутадиган композицияни билиш даражасини аниқлашга қаратилган. Композиция бир нечта (4) савиядан иборат бўлганлиги учун респондентлар жавобини ҳудудий ажратмасдан умумлаштириб таҳлил қилишни лозим топдик.

Саволларга қайтарилган жавоблар таҳлиliga кўра, тасвирий санъат ўқитувчиларини композиция, унинг вазифалари, турлари, қоидалари ҳамда услуб ва воситалари ҳақидаги билим савиялари ўта саёз ва аянчли ҳолатда эканлиги аниқланди (2-жадвалга қarang).

2-жадвал

Композиция ҳақида тасвирий санъат ўқитувчиларининг билим савияси (% ҳисобида)


т/р	Саволлар	Жавоблар савияси	Тўлиқ жавоб берганлар %	Нотўлиқ жавоб берганлар %	Нотўғри (қониқарсиз) жавоб берганлар
1	Композиция нима ва унинг вазифаси		7	10	83
2	Композиция турлари ва қисқача изоҳи		0	9	91
3	Композиция қоидалари		0	11	89
4	Композициянинг услуб ва воситалари		0	19	81

Ўқитувчилар бундай касбий савияси билан ўқувчиларга ҳукумат томонидан тасдиқланган давлат таълим стандартлари талабларини ушбу фан бўйича татбиқ этиши қийин.

Ўқитувчилар касбий малака савиясини таҳлил қилар эканмиз, бугунги кунда тасвирий санъат фани бўйича фидойи ўқитувчиларимиз (I гуруҳ) ушбу фаннинг халқ таълими тизимидаги “олтин мероси” ҳисобланади, дейиш мумкин. Уларни асраб-авайлаб, меҳнатини рағбатлантириб, моддий ва маънавий ёрдам бериб, ўрни келганда, давлат мукофотларигача номзодини бериш, уларнинг сонини ошириш йўллари кидириш жамият кишиларининг маънавий оламини юксалтириш учун аҳамиятли.

Тасвирий санъат ўқитувчиларининг бу даражада малака савияси пастлиги натижасида етакчи ўринни номутахассис ўқитувчилар ташкил қилади.

Юқорида келтирилган муаммоларни бартараф этиш мақсадида биз томондан Умумий ўрта таълим тизимида ўқувчиларнинг тасвирий санъат ҳақидаги идрок ва тасаввурларини ривожлантиришга қаратилган модел такомиллаштирилди (1-расмга қаранг).



1-расм. Умумий ўрта таълимда ўқувчиларнинг тасвирий санъат ҳақидаги идрок ва тасаввурларини ривожлантиришнинг такомиллаштирилган модели

Юқоридагилардан келиб чиқиб, шуни айтиш мумкинки, психологик-педагогик муаммолардан – ўсмирлик даври бошланиши билан ўсмирлар шахсидаги психофизиологик ўзгаришлар ва бадий, жумладан, тасвирий санъат намуналарини идрок этишда қўлланилиб келаётган услубий ёндашув орасидаги тафовутдир. Яна бир муаммолардан бири – оммавий ахборот воситаларида тасвирий санъат асарларининг етарли тарғиб қилинмаётганлиги. Ўтиш даврида барча давлатларда кузатилиши муқаррар бўлган айрим салбий ҳолатларни Ўзбекистон ҳам бошидан кечирмоқда. Жумладан, ёшлар учун янги авлод учун ҳаётий кадриятлар ичида маънавий бойликларга нисбатан моддий таъминланганликнинг устунлиги, унга “сиғиниш” тасвирий санъатга бўлган муносабатга ҳам ўз таъсирини кўрсатмоқда.

Диссертациянинг **“Тасвирий санъат асарлари ўқувчилар томонидан идрок ва тасаввур қилинишининг ривожлантириш самарадорлиги”** номли учинчи бобда тажриба-синов ишлари мазмуни ва натижалари баён этилган.

Тасвирий санъат асарларини идрок ва тасаввур қилишда кўпчилик кўрмаган, аниқроғи кўра олмайдиган жиҳатларни, улар орасидаги ўзаро муносабатларни кўра билиш, аниқлаш, уни оригинал талқин этиш нафақат асар муаллифининг катта истеъдод соҳиби эканлигини, балки шундай таҳлилий идрок этаётган шахснинг интеллектуал савиясини, тафаккур қилиш ва тасаввур ҳаёлида катта салоҳият, имкониятлар мавжудлигини кўрсатади.

Ўқувчиларда тасвирий санъат асарларини идрок қилиш юзасидан экспериментал тадқиқот Навоий, Бухоро ва Сурхондарё вилоятлари ўқувчиларида ўтказилди. Умумтаълим мактабининг 5-7-синф ўқувчилари – жами 635 нафар тадқиқотда иштирок этди.

Экспериментал материал сифатида тасвирий санъат асарларидан учта намуна танлаб олинди.

1. “Менинг дуторим” (Ўрол Тансиқбоев).
2. “Амир Темур” (Малик Набиев).
3. “Уста кулол” (Музаффар Абдуллаев)

Экспериментал маълумотлар икки босқичда олинди.


Биринчи босқичда тасвирий санъат дарсида (ҳар дарсда битта асардан тақдим этилди) ҳар бир ўқувчига картина тарқатилиб, унда асарда нима кўраётганини, ҳис қилаётганини қоғозда ёзма равишда ифодалаш буюрилди.

Ёзма ишлар йиғиб олингандан сўнг 1 ҳафта ўтгач, шу синф ўқувчилари билан экспериментнинг 2-босқичи ўтказилди.


Иккинчи босқичда вазифа бажаришга киришиш олдида тегишли мусиқа билан “Менинг дуторим” асарига яқин бўлган мазмунда баҳор фаслида тоғ манзараси ҳақида 5 дақиқалик видеоматериал намойиш қилиниб, сўнгра ўқувчиларга яна санъат асари тарқатилиб, асарни ёзма изоҳлаш сўралди. Видеоматериал фақат “Менинг дуторим” асари учун қўлланди. “Уста кулол” ҳамда “Амир Темур” асарларини изоҳлашда оғзаки суҳбат билан чекланилди.

Ҳар бир асар бўйича маълумот алоҳида бир дарсда ўтказилди. Тасвирий санъат асарларини идрок қилиш юзасидан олинган экспериментал маълумотдан ташқари ҳар бир ўқувчи ўзи, оиласи, ота-онаси, қизиқиши ва бошқа бир қатор саволлар бўйича тузилган сўровнома тўлдирди.

Биз С.А.Ерков тадқиқотидан илмий, ижодий фойдаланган ҳолда идрокнинг 4 та эмас, 12 хусусиятини ўргандик ва олтинчи синф ўқувчилари билан чекланмасдан, 5-7-синф ўқувчиларини идроки ўрганилди.



2-расм. “Менинг дуторим” асарининг ўқувчилар томонидан идрок этилиши




3-расм. “Амир Темур” асарининг ўқувчилар томонидан идрок этилиши

2-3-расмда ўз ифодасини топган статистик маълумотлар махсус суҳбатгача ҳамда суҳбатдан сўнг олинган тадқиқот натижаларидир. Ўқувчилар томонидан “Менинг дуторим” ҳамда “Амир Темур” асарларни идрок қилишда биз томондан ўрганилган 12 та хусусиятнинг барчаси ифодаланишида ўсиш кузатилди.


Тасвирий санъат асарини идрок этишда шаҳар ва қишлоқ мактаб ўқувчилари орасида, яъни ҳудудий фарқ бор ёки йўқлиги аниқлаш учун Бухоро шаҳри, Термиз шаҳри ҳамда Бухоро вилояти Жондор, Ромитан ва Сурхондарё вилояти Музработ туманларидаги мактаб ўқувчилари кўрсаткичлари қиёсий таҳлил қилинди.

Таҳлил натижаларига кўра, умуман ўрта кўрсаткичлар қишлоқ мактаб ўқувчиларида шаҳардаги тенгдошларига нисбатан пастроқ эканлиги аниқланди (4-5-расмга қаранг).

Шу билан бирга асарларни идрок қилишда қишлоқ мактаб ўқувчиларида идрок тўлиқлиги, образлар орасидаги муносабатларни идрок қилиш, асарнинг ўқувчига маънавий, тарбиявий таъсири, асардан ҳиссий эмоционал завқ олиш хусусиятлари бўйича шаҳар тенгдошларига нисбатан юқорироқ кўрсаткич кўрсатилди.



4-расм. Шаҳар мактаблари ўқувчиларининг асарларни идрок этиши



5-расм. Қишлоқ мактаблари ўқувчиларининг асарларни идрок этиши

Бу, бизнинг фикримизча, ҳудудий хусусият бўлиб қишлоқ аҳлининг яшаш тарзи, одамлар орасидаги меҳр-оқибат, доимий мулоқот, муносабатлар, меҳнат тарбияси, маънавий қиёфаси, табиатга яқинлиги билан белгиланган.

Ўзга хусусиятларнинг шаҳар ўқувчиларида устунлиги шаҳар мактабларида таълим сифати, педагог кадрларнинг касбий малака савияси нисбатан юқорилиги билан боғлиқ деб тахмин қилинади.

Шаҳар ва қишлоқ мактабларидаги ўқувчиларни икки гуруҳга, назорат ва тажриба гуруҳларига ажратдик. 560 нафар ўқувчилардан 282 нафари назорат гуруҳи, 278 нафари тажриба гуруҳдаги респондентлардан иборат (4-жадвал).

Қуйида келтирилган жадвал асосида ўқувчиларининг экспериментга қадар ва суҳбатдан сўнг идрок этилиш кўрсаткичлари шуни кўрсатадики, тажрибадан кейинги натижалар тажрибадан олдинги натижалардан самарали эканлигини кўрсатди.

4-жадвал

Тажриба-синов ўтказилган умумий ўрта таълим ўқувчилар бўйича кўрсаткич натижаларининг қиёсий таҳлили (асословчи ва таъкидловчи тажриба)

Кўрсаткичи	Тажриба гуруҳи n ₁ =278 нафар				Назорат гуруҳи n ₂ =282 нафар			
	Асословчи тажриба		Таъкидловчи тажриба		Асословчи тажриба		Таъкидловчи тажриба	
Юқори	61	21,9%	83	29,8%	58	20,6%	61	21,6%
Ўрта	91	32,76%	131	47,2%	92	32,6%	93	33%
Қуйи	126	45,34%	64	23%	132	46,8%	128	45,4%

Тажриба ва назорат гуруҳининг ўртасидаги фарқини кўриш учун, иккала гуруҳнинг 5 балли кўрсаткичлари асосида умумий фарқли фоиз чиқарилади, яъни, $61 : 73 = 0,83 \cdot 100 = 83 - 100 = 16 \%$.


Шундан кўриниб турибдики, тажриба ва назорат гуруҳининг ўртасидаги фарқ 16% ни ташкил этди.

Жадвалдаги тажриба ва назорат гуруҳлари бўйича қайд этилган кўрсаткичлар асосида тажриба-синов ишларининг илмий-педагогик жиҳатдан тўғри ташкил этилганлиги ва самарадорлигини ўрганиш мақсадида математик-статистик таҳлил амалга оширилди. Статистик таҳлил учун Стьюдент ва Фишер методи танланди.

Тажриба ва назорат гуруҳлари учун мос равишда 1- ва 2- танланмалар сифатида қабул қилинган педагогик тажриба-синов ишларидан олдинги ва кейинги натижалар асосида қуйидаги вариацион қаторлар ҳосил қилинди:

1-танланма X_i :	юқори;	ўрта;	паст;
(тажриба гуруҳи) $n_1 = 278$	73;	141;	64.
2-танланма Y_j :	юқори;	ўрта;	паст;
(назорат гуруҳи) $n_2 = 282$.	61;	93;	128.

Ушбу танланмалар асосида қуйидаги диаграмма шакллантирилди (6-расмга қаранг).



6-расм. Ўқувчиларнинг тасвирий санъат ҳақидаги тасаввурларини ривожлантириш бўйича тажриба ва назорат гуруҳлари ўзлаштириш диаграммаси

Диаграмма графиклари тажриба ва назорат гуруҳлари учун танланмаларнинг модал қийматлари мос равишда ҳамда улар ўртасидаги фарқнинг етарли, яъни $M_T > M_N$ эканлигини тасдиқлайди. Мазкур ҳолат юқорида қайд этилган икки танланманинг ўртача қийматлари $X > Y$ шартни қаноатлантиришидан далолат беради (5-жадвалга қаранг).

5-жадвал

**Таҳлил натижалари
(тажриба ва назорат гуруҳларида)**

Тажриба гуруҳларида:	Нazorат гуруҳларида:
$X = 3,06$	$Y = 2,52$
$D = 2,10$	$D = 2,45$
$t = 1,44$	$t = 1,56$
$S_T = 0,47$	$S_H = 0,61$
$\bar{x} - \bar{y} = 3,06 - 2,52 \approx 0,54$	

Таҳлил натижалари бошланғич (H_0) фараз, яъни $m_T = m_H$ нинг инкор этилганлиги ва муқобил (H_1) фараз, яъни, $m_T > m_H$ нинг тўғри эканлигини тасдиқлади.

Шу тарзда, тажриба-синов ишларнинг якуний босқичида биз томонимиздан қайта ўтказилган ўлчов амаллари тажрибавий таълим жараёнида респондентлар натижалари ўзгарганлигини кўрсатди. Тажрибавий тадқиқот натижалари бизни қизиқтирган муаммони назарий ўрганиш асосида қилинган тахминларнинг тўғрилигини таъкидлашга имкон беради.

Юқорида кўрсатилгандек тажриба ва назорат гуруҳининг ўртасидаги фарқ 16% ни ташкил этди.

ХУЛОСА

Умумий ўрта таълим тизимида ўқувчиларнинг тасвирий санъат ҳақидаги тасаввурларини ривожлантириш бўйича тадқиқот натижалари асосида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Ҳар бир предметнинг асосини илм-фан ташкил этадики, бу мактабда ўқитиладиган ўқув предметлари(фанлар)нинг таълимини такомиллаштириш уларнинг илмий асосда ишлаб чиқилганлигига боғлиқлигини кўрсатади ва бу ўрта умумтаълим мактабларида тасвирий санъат дарслари таълимини малака талаблари даражасига етказиш учун ҳам назарий, ҳам амалий тадқиқотлар зарурлигини тақозо этади.

2. Ўзбекистонда тасвирий санъат фанининг ўқитилишига, жумладан, унинг мазмуни, методикаси, илмий асосларини такомиллаштиришга, замон талабига мос равишда олий малакали кадрларни тайёрлаш, соҳа вакиллариининг илмий-педагогик фаолиятига эътибор қаратиш ва иқтидорли мутахассислар кўмагида тасвирий санъатни юксак даражага кўтариш, аҳолида, айниқса, ёшларнинг таълим-тарбиясида санъат асарларини эрта ёшлигидан идрок этиш саводхонлигини ошириш, эстетик завқлана олиш кўникмаларини шакллантириш жамиятимиз кишиларининг юксак маданиятли, маънавий бой шахслар сифатида шакллантиришга ижобий таъсир қилади.

3. Тасвирий санъатни шахс маънавиятини тарбияловчилик хусусиятини инобатга олиб республикамизда уни илм-фан сифатида ривожлантирувчи, бу борада олиб борилаётган ишларни илмий-методик жиҳатдан мувофиқлаштирувчи, унинг истикболини белгиловчи илмий марказлар ташкил этилишига эҳтиёж бор. Зеро, тасвирий санъат йўналишида магистратура, докторантурага ажратилаётган квоталар республикада мавжуд ҳолатни ижобий томонга ўзгартириш, қисқа муддатда илмий ютуқларни қўлга киритиш, йиллар мобайнида йиғилиб қолган муаммоларни бартараф этиш имконини бермайд.

4. Тасвирий санъат асарларининг яқин келажакда жаҳон санъаткорлари томонидан тан олинадиган, юксак баҳоланадиган, уларни қойил қолдирадиган, катта маблағ сарфлаб, дунёнинг етакчи музейлари сотиб оладиган даражада республикамизда яратилиши ва юртимизда дунёга машҳур рассом, ҳайкалтарошларнинг етишиб чиқиши, халқаро рейтингга эга бўлган тасвирий санъат мактабларининг юзага келишида бир қатор омиллар, асослар муҳим ўрин тутди. Шу ўринда ёшларимизга тасвирий санъат билимларини бериш, ҳар бир ўқувчида тасвирий санъат асарларини тўлақонли идрок ва тасаввур қилиш малака ҳамда кўникмаларини шакллантириш, бунинг учун зарурий, шунингдек, энг сара дидактик таълим воситалари (ўқув-методик материаллар)ни яратишимиз ва уларнинг амалий татбиқини таъминлашимиз ўта муҳим.

5. Психологик-педагогик муаммолардан яна бири ўсмирлик даври бошланиши билан ўсмир шахсидаги психофизиологик ўзгаришларни инобатга олган ҳолда шу ёшдагиларнинг бадиий, жумладан, тасвирий санъат намуналарини идрок этишини таъминлашда қўлланилиб келаётган услубий ёндашув орасидаги тафовутдир. Мазкур муаммонинг юзага келиши оммавий ахборот воситаларида тасвирий санъат асарларининг етарли даражада тарғиб қилинмаётганлиги билан ҳам боғлиқ.

6. Тасвирий санъат асарларини идрок ва тасаввур қилишда кўпчилик илғамаган, аниқроғи, илғай олмайдиган жиҳатларни, улар орасидаги ўзаро муносабатларни кўра билиш, аниқлаш, уни оригинал талқин этиш нафақат асар муаллифининг катта истеъдод соҳиби эканлигини, балки шундай тахлилий идрок этаётган шахснинг интеллектуал савиясини, тафаккур қилиш ва тасаввур ҳаёлида катта салоҳият, имкониятлар мавжудлигини кўрсатади.

7. Идрок этишда нисбатан осонлилик ифода этган хусусиятларга идрокни предметлилиги, тўлиқлиги, асарни ўқувчига маънавий, тарбиявий таъсир этиши ҳамда асардан хиссий, эмоционал эстетик завқ олиши ўрта даражада ўз ифодасини топган.

8. Экспериментал суҳбатдан сўнг сезиларли динамика идрокнинг барча хусусиятларида ўз ифодасини топди. Шу билан бирга асар ғояси, мақсадини англаш, образлар орасидаги муносабатларни идрок этиш, ранглар орасидаги муносабатларни идрок этиш, тахлилий идрок этиш, ходисаларни ўзаро узвий боғлиқлигини аниқлаш ҳамда идрок башоратлилигини хусусиятларда ўсиш кам бўлиб катта фоизи қуйи савияда қолди.

9. Ўқувчиларда портрет жанрини идрок этишда кўпроқ қийинчиликларга дуч келдилар. Зеро, асарларни идрок этишда жанр қандай бўлишидан қатъи назар, қизлар ўғил тенгдошларига нисбатан гўзалликни идрок этишга сезгирдирлар. Шу сабабли ҳам улар асарлардан эстетик завқ олиш, эмоционал, ҳиссий ижобий озиқа олишда ўғил болалардан устунлик қиладилар. Қизлар қахрамонларни ички кечинмаларини, фикри хаёли, маънавий қиёфаси, яъни психологик тавсифномасини ифода этишда ўғил тенгдошларидан устунлик қиладилар.

10. Ўзбекистон тасвирий санъатни ривожлантириш, халқ, омма хаётида тасвирий санъатни муносиб ўринни эгаллаш, болаларни иқтидорига кўра ёшлиқдан танлаб олиб уларни юксак даражадаги махоратга эришишиш учун тегишли шароитлар яратиш, Ўзбекистон ижодкорларини яқин йиллар ичида тасвирий санъатда дунёда нуфузли ўринларни эгаллаш йўллари ишлаб чиқилди.

Тадқиқот натижалари асосида қуйидаги илмий-методик тавсиялар ҳавола этилди:

1. Тасвирий санъат асарлари мактаб ёшида ва умумий ўрта таълим доирасида берилар экан, олий таълим босқичида халқаро ҳамкорлик фақат университетлараро эмас, олий таълимдан кейинги таълим туридалари орасида ҳам ўрнатилиши мақсадга мувофиқ;

2. Мамлакатнинг бугунги, эртанги ҳамда келажакдаги тасвирий санъат ўқитувчиларига бўлган эҳтиёжини ўрганиб чиқиб, вилоятлар кесимида олий таълим муассасаларидаги қабул квоталарини белгилаш, барча вилоятларда квота сонини ошириш лозим;

3. Тасвирий санъат фанининг давлат таълим стандартлари, ўқув дастурлари, бугунги кунда амалда фойдаланилаётган дарсликлар, ўқитувчилар учун тайёрланган ўқув-методик адабиётлар, дидактик воситаларни замон талаблари асосида мазмунан оптималлаштириш мақсадга мувофиқ;

4. Тасвирий санъат дарсликларининг мунтазам чиқарилиши, ўқувчилар ва ўқитувчиларга етарли бўлиши, дарсликнинг ўзида санъат элементларини жаҳон андозалари асосида бериш, дарсликда келтирилган машҳур асарларнинг сифатли қоғозда рангли, эстетик завқ олиш мумкин бўладиган тарзда чоп этилиши, ўқитувчилар учун ўқув-методик қўлланмаларни мунтазам такомиллаштириб бориш керак;

5. Юқорида ўз ифодасини топган масалаларнинг илмий, методик, молиявий, ҳудудий, маъмурий, ижодий, ғоявий, ижтимоий томонларини бир қатор олим, мутахассис, рассом, хайкалтарошлар, ҳукумат аъзолари, сенат, вазирликлар, Ёшлар иттифоқи, Ўзбекистон Фанлар академияси мутахассислари иштирокида давра суҳбати ўтказиб, Ўзбекистонда тасвирий санъат соҳасида туб бурилиш қилиш ҳамда бу масалалар бўйича оммавий ахборот воситалари орқали халқнинг фикрини, таклиф ва мулоҳазаларни ўрганиш ҳам лозим.

ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ИШЛАР РЎЙХАТИ
СПИСОК ОПУБЛИКОВАННЫХ РАБОТ
LIST OF PUBLISHED WORKS

I бўлим (I часть; I part)

1. Остонова Г.Р. Studying the problem of the development of perceptions and imagination in fine arts by foreign scientists // Test Engineering and Management journal 2019. - ISSN: 0193-4120 Page No. 4177-4182. (Scopus).
2. Остонова Г.Р. Psychological and pedagogical foundations of Formation artistic perception and the Development of the creative imagination of Schoolchildren in fine arts lessons // Journal of Contemporary Issues in Business and Government P-ISSN: 2204-1990; E-ISSN: 1616-1623 DOI: 10.47750/cibg.2021.27.02.170 Vol. 27, No.2, 2021. <https://cibg.org.au/> (Web of science).
3. Остонова Г.Р. The problem of developing students' perceptions of visual arts in Uzbekistan // European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences, UK Vol. 7 No. 12, 2019 ISSN 2056-5852, 675-680. (13.00.00 № 3).
4. Остонова Г.Р. Secondary schools' didactic Principles of teaching fine art // Academics: An international multidisciplinary research journal. ISSN: 2249-7137 vol. 10, issue 7, july 2020 impact factor: sjif 2020 = 7.13.
5. Остонова Г.Р. Чет элларда тасвирий санъатнинг ўқитилиш тарихи // Педагогик маҳорат – Бухоро вил., 2017. - №2. Б-170-173. (13.00.00 № 23).
6. Остонова Г.Р. Тасвирий санъатда қобилят ва ижод психологияси // Психология – Бухоро вил., 2017. - №3. Б-53-58. (13.00.00 №14).
7. Остонова Г.Р. Фазовий тасаввурни шакллантиришнинг педагогик ва психологик асослари // Психология – Бухоро вил., 2018. - №1. Б-83-88. (13.00.00 № 14).
8. Остонова Г.Р. Тасвирий санъат дарсларининг ўқувчиларда ижодий қобилятини шакллантиришдаги ўрни // Педагогик маҳорат. – Бухоро вил., 2019. - №4. (13.00.00 № 23).
9. Остонова Г.Р. Ўқувчилар томонидан санъат асарларини идрок ва тасаввур қилинишининг ўзига хос хусусиятлари // Maxsus son, № 2, 2020 “Psixologiya” ilmiy jurnal. (13.00.00 № 14).
10. Остонова Г.Р. Психолого-педагогические теоретические основы восприятия и воображения изобразительных искусств учениками // LVI International correspondence scientific and practical conference “European research: innovation in science, education and technology” October 8-9, 2019 London, United Kingdom. P.30-31.
11. Остонова Г.Р. The problem of development of perception and imagination of works of art in schoolchildren by the science of fine arts and its study by foreign schools // International Consortium on Academic, Trends on Education and Science Hosted from London, England. April 3rd-4th 2021. Euro Asia Conferences. <http://euroasiaconference.com>.

12. Остонова Г.Р. Тасвирий санъат фани орқали мактаб ўқувчиларни касб – ҳунарга йўналтириш // Меҳнат ва касб таълими ўқитувчиларнинг касбий компетентлигини шакллантиришда инновацион ёндашувлар республика илмий – амалий анжумани – Бухоро, 2019. Б-243-246.

13. Остонова Г.Р. Мактаб ўқувчиларида тасвирий санъат асарларини идрок ва тасаввур қилишни ривожлантириш муаммосини Ўзбекистонда ўрганилганлик ҳолати // “Тасвирий санъат ва мусиқа фани ўқитувчиларини тайёрлашнинг долзарб муаммолари” мавзусида Республика илмий-амалий анжумани материаллари. Фарғона 2019. – Б. 122–124.

14. Ўқувчиларда фазовий тасаввурларни шакллантириш // “Ўзбекистонда илмий-амалий тадқиқотлар” мавзусидаги республика миқёсида ўтказиладиган 18-кўп тармоқли илмий масофавий онлайн конференция материаллари 14 қисм. Тошкент 2020. – Б. 12-14.

II бўлим (II часть; II part)

15. Остонова Г.Р. Введение в психологию художественного творчества // Вестник интегративной психологии – Ярославль, 2017. -№-15. Стр. 108-109.

16. Остонова Г.Р. Психологические подходы художественного творчество // Вестник интегративной психологии – Ярославль, 2018. -№-16. Стр. 197-200.

17. Остонова Г.Р. Роль изобразительного искусства в формировании личности // Вестник интегративной психологии - г. Ярославль 2019. Выпуск 19. 306-309 .

18. Остонова Г.Р. Secondary Schools Didactic Principles Of Teaching Fine Arts // Central asian journal of theoretical and applied sciences Volume: February 2021 ISSN: 2660- 317.

19. Остонова Г.Р. Ўқувчиларни эстетик тарбиялашда тасвирий санъатнинг роли // Zbiór artykułów naukowych “Rozwój współczesnej nauki” “iScience Polska”., 15-16/06/2017 –Б. 84–87.

20. Остонова Г.Р. Влияние история изобразительного искусства на сознание личности // Problems of development of a personality: diversity of approaches Materials of the VII international scientific conference on November 15–16, 2019 Krasnodar 25-28.

21. Остонова Г.Р. The problem of the development of perception and imagination of works of fine art in schoolchildren and its study by foreign scientists // E-Conference Globe 3rd Global Congress on Contemporary Science and Advancements Hosted From New York USA www.econferenceglobe.com.

22. Остонова Г.Р. Уста ва шогирд одоби. Уларнинг халқ амалий санъатига қўшган ҳиссаси // Олий таълимда дарсдан ташқари машғулотлар – талабаларнинг касбий компетентлигини шакллантириш омили республика илмий - амалий конференция материаллари – Навоий, 2017. Б-13-15.

